

Сийрат дарслари (40-дарс)



СИЙРАТ

дарслари 40-дарс

ISLOM.UZ

Сийрат дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳнинг «Бу – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» таржима китоблари ва “Ҳадис ва ҳаёт”нинг 19-жузъи асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

14:30 / 09.07.2019 4520

Камбағалларга муҳлат беришнинг савоби

219. Убода ибн Валид ибн Убода ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Отам билан ансорий саҳобалар яшайдиган жойга улар ўлмасларидан олдин илм олиш ниятида бордик. Биринчи учратган кишимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари Абул Ясар бўлди. Унинг ёнида ғуломи ҳам бор эди. Ғулом бир боғлам саҳифаларни кўтариб олган, Абул Ясарнинг эгнида бурда ва маъофирий, ғуломида ҳам бурда ва маъофирий бор эди. Шунда отам унга: «Амаки, юзингизда ғазаб аломатини кўрмоқдаман?» деди. «Тўғри! Фалон ибн Фалон Ҳаромийда молим бор эди. Унинг аҳлига бориб, салом бердим ва сўнгра: «Қани у?» дедим. «Йўқ», дейишди. Олдимга ўспирин ўғли чиқди ва мен унга: «Отанг қани?» дедим. «Овозингизни эшитиб, онамнинг пашшахонасига кириб олди», деди. «Олдимга чиқ! Қаердалигингни билдим!» дедим. У чиқди. Мен унга: «Нима учун мендан беркининг?» дедим. «Мен, Аллоҳга қасамки, сенга гапирман ва ёлғон гапирмайман. Аллоҳга қасамки, гапирсам, сенга ёлғон гапириб қўймай деб, сенга ваъда берсам, хилоф қилиб қўймай, деб қўрқдим. Сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобасисан. Аллоҳга қасамки, мен камбағалман», деди. «Аллоҳга қасамми?» дедим. «Аллоҳга қасам!» деди. «Аллоҳга қасамми?» дедим. «Аллоҳга қасам!» деди. «Аллоҳга қасамми?» дедим. «Аллоҳга қасам!» деди. Шунда

саҳифасини келтириб, уни қўли билан ўчирди ва: «Агар қозилик иши топсанг, мени қозига чақиртир. Бўлмаса, сен ҳалолдасан. Ушбу икки кўзимнинг кўрганини гувоҳ қиламан, деб икки кўзига икки панжасини қўйди. Ушбу икки қулоғим эшитди. Ушбу қалбим сингдирди, деб қалб томирига ишора қилди. Сўнгра: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Ким камбағалга муҳлат берса ёки ундан ўтиб юборса, Аллоҳ уни Ўз соясига олади»**, деганлар», деди.

Мен унга: «Амаки, агар ғуломдаги бурдани олиб, унга маъофирийингизни берсангиз ёки унинг маъофирийини олиб, бурдангизни унга берсангиз, сизда ҳам, унда ҳам бир бошдан сарпо бўларди», дедим. Шунда у бошимни силай туриб: «Аллоҳим, буни баракали қилгин! Эй биродаримнинг ўғли! Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Уларга ўзингиз еган таомдан едиринг, ўзингиз кийган нарсадан кийдиринг»** деганларини мана шу икки кўзим кўрган, шу икки қулоғим эшитган, мана шу қалбим ўзига жо қилиб олган», дея қалб томирига ишора қилди. Бу дунёда унга кийим кийдиришим, таом едиришим мен учун унинг Қиёматда савобимдан олишидан осонроқ», деди».

Муслим ривоят қилган.

Бурда –елкадан ёпиниб юриладиган чизиқли тўртбурчак кийим.

Маъофирий – Ямандаги Маъофир қабиласига мансуб кийим.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан